

Автобус бекатида борар манзилимни аниқроқ билиб олиш мақсадида ҳамроҳ излайман. Эътиборимни етмиш ёшлардаги нуруний тортди. Дилдагини сезгандек, сўроқ аломати билан юзланди.

— Унгўрғон маҳалласига қандай борилади, отахон?

— Э, ўлманг, ўзлари ҳам ўша ёқлардан. Бир дардлашадиган бўлди.

Автобус манзил томон одимлайди. Ўзини Собир ота деб таништирган бу ажойиб инсон негадир асабий кўринарди. Мавридини топиб, кўнгил сўрадим.

— Туни билан ухламадим, - фикрини ифодалади ота ўйчан оҳангда. - Мухтарам Президентимизнинг 30 март куни Хоразм вилоятидаги «Саримой» ДАН постига содир бўлган нохуш воқеа хусусидаги фикрларини берибди тинглаб, ўзимни кўярга жой топпмай қолдим. Тинчимизни бузаётган, беғуно одамларнинг қурбон бўлишига сабабчи бўлаётган ярамаслар ким ўзи? Уларнинг ҳам ота-онаси бордир, ахир?!

Нуруний автобус ойнасидан далаларга тикиларкан, сўзида давом этди:

— Ота бўлиш осонмас. Фарзандини одамоҳун, ва-танпарвар, ўз заминини жон дилидан севадиган ҳақиқий инсон этиб тарбиялаш учун бутун меҳру муҳаббатингни нуридийданга бахшида этиб, тарбияси билан доимий шуғулланишиг лозим. Тўғри таъкидлашяпти, фарзанднинг юриш-туриши, хулқи, бемақсад кўча тентираши отани безовта қилмас, қандай гап?! Пешонамизнинг шўри бўлган, юртига хиёнат қилганлар шубҳасиз лоқайд, худбин кимсаларнинг фарзандларидир. Юрагимдаги гап, агар етти фарзандимдан бери юзимни ерга қаратса, гуноҳи азимга ботса, унинг бахридан ўтаман. Халқига ҳалол хизмат қилолмайдиған фарзанднинг боридан йўғи.

Отадаги эҳтирос, куйинчаклик замирида чуқур маъно бор эди. Одатда қишлоқ кишилари дилкаш бўладилар. Шу кунни роса омадими юришди. Сўраб-суриштириб топганим унгўрғонлик Эркин ака Исабоев ҳам ажойиб фазилатли инсон экан. Маҳалла оқсоқоли сифатида ҳамша куйиб-пишармиш. Бокувчисини йўқотганлар, етим-есирларга меҳрибонро кимил экан. Ана шундай ташкилотчи, ташаббускор кишиларнинг савий-ҳаракати билан яқинда «Турон» жамоа хўжалигига газ кувурлари тортилди, анчагина жойига ичимлик суви узатилди. Маазкур маҳаллада 803 хонадон бўлиб, 1000 дан ортққ оила истиқомат қилади. Одамлар асосан сабзавотчилик, боғдорчилик билан шуғулланишади. Қишлоқлар фазилли, боғларининг таърифи етти иқлимга таралган. Қўнлар эрта тоғнагон чиннидек қилинади. Табиийки, турмушнинг иқир-чиқилари бўлиб туради. Шунда Эргаш ота хонадонга ташриф буюриб, ҳаётнинг қадрига етмаётганларга насихат қилади. Муаммоларни ҳал этишда қўлдан келган мададини аямайди. Унинг ёрдамиде қанчадан-қанча ёшлар ҳаётда ўз ўрниларини, бахтларини топдилар!

У бир воқеани куйиниб ҳикоя қилди. 30 ёшлардаги қўли гул боғбон жаҳл устиде хато қилибди. Қарангки, яқинлари унинг умрдошини олиб кетамиз, деб туришибди. Секин келинни четга қачириб воқеани оидинлаштирди. Йигит тушмағур сўнгги ойларида ичкиликка ружу қилибди. Маҳалла-қўи, нурунийлар жон қойитишмасе тулла-тузуқ оилага дарз кетиши мумкин эди. Шу кунни келиннинг ақинларига насихат қилди, хурматларини жойига қўйиб, маҳалла гузариде сумалак, паловхонтўра билан сийлади. Машина ёллаб, уларни уйлариға кузатди. Икки ёш қанчалик қувонишганини билсангиз эди.

Маҳалланг - отанг, онанг деб бежиз айтишмайди. Собир Ҳайитметов, Илхом Сафаров, Мавжуда Икромова қаби пиру бадавлатларимизни қишлоқ виждони деб жуда тўғри таърифлашади. Улар бор экан, муборак гўшада ҳаёт осуда давом этади. Ариқлар қазилиб, боғ-роғлар бунёд этилади, қўприқлар қурилади. Ҳаёт завқ-шавққа тўлади. Бу ерда тўйлар ихчам, бир умрга эсда қоларли қилиб ўтказилади. Яна бир ибратли томони шукки, отахонлар ҳар бир кишининг оёқ олишини зимдан кузатишади. Бирон ноҳўи хатти-ҳаракатини сезишдиме, ўша заҳоти қўлашиб ҳаракатга тушишади. Яқинда ёшгина йигит мотоцикл ўғирлашда иштирок этган экан. Бундан хабар тоғлан ота омонатни айбдор орқали эгасига етказибди, кеңирим сўрабди. Эртасига туман прокурорига бориб йигитни қафилликка олибди. Бу билан у яна бир умри азизинг мушуқлини осон этди. Фидойи, умрининг мазмунини эл фароғатиде, юрт осойишталигиде деб биладиган бундай инсонлар ҳа-миша бор бўлсин!

Мирза ХАМДАМ, Тошкент вилояти.



ИНСОН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 3 апрел, шанба № 38 (685)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг алоҳида хизмат кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш ҳамда зарарсизлантиришда кўрсатган мардлиги ва жасорати, хизмат бурчиға садоқати учун қуйидагилар мукофотлансин:

2-ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

- ГАЗЗОВ Эрик Эдуардович** Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ходими (мархум)
- ДАВИДОВ Сергей Геннадьевич** Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ходими (мархум)
- НИЧИПУРЕНКО Сергей Владимирович** Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ходими (мархум)
- САБИРОВ Фарход Отабоевич** Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобил назорати бошқармаси навбатчилик қисмининг навбатчи ёрдамчиси (мархум)

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

- ЗАХАРОВ Вадим Николаевич** Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ходими
- МАШАРИПОВ Хушнуд Кахрамонович** Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобил назорати бошқармаси йўл-патруль хизмати ротаси инспектори
- НУРИТДИНОВ Рустам Адилжанович** Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ходими
- САИДОВ Давронбек Бабаджанович** Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси махсус топшириқларни бажарувчи алоҳида милиция взводи милиционер
- ТАДЖИЕВ Амин Раҳимович** Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобил назорати бошқармаси бошлиғи
- КОСИМОВ Абдулазиз Ботирович** Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ходими
- ШЕРМАТОВ Алишер Анорбаевич** Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
1999 йил 1 апрель

МДХ: ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

Москва, 2 апрел. /ЎЗА махсус мухбири Шухрат Умиров хабар қилади/.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов 1 апрел куни МДХ давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Москвага келди. «Внуково-2» аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Геннадий Кулик, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидеги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Ш.Шоисломов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

2 апрел куни Кремлда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ҳамдўстлик ва халқаро до-

ирадаги долзарб муаммолар мулоқотларининг асосий мавзуси бўлди.

Сўнгра давлат раҳбарлари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация аъзолари иштирокида ялли мажлис бўлиб ўтди. Унда МДХ фаолиятини Ҳамдўстликка аъзо бўлган барча давлатлар манфаати нуктаи назаридан тақомиллаштириш, Ҳамдўстлик шартномасининг асосий қисми мус-тақамлаш, тузилма органлари тизимларини тақомиллаштириш, хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ялли мажлисда Россия Федерацияси Президентининг Россия Федерацияси кенгашидаги вакили бўлиб ишлаб келган Юрий Яров МДХ ижрочи котиби этиб тайинлангани маълум қилин-

ди.

Ялли мажлис нихоясиде ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда 1994 йил 15 апрелдаги эркин савдо зонаси яратиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протокол, МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстликни ривожлантиришининг асосий йўналишлари тўғрисидаги Декларацияси, МДХ органлариде раислик тартиби тўғрисида, МДХ органлари тизимини тақомиллаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисида, Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари Кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари Кенгаши ўртасиде ваколатларни тақсимлаш тўғрисидаги, шунингдек, МДХга аъзо давлатларнинг жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш Концепцияси ва бошқа ҳуж-

жатлар имзоланди.

Шу билан МДХ давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги саммити нихоясига етди.

2 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида «давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасиде Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидеги Фавқулодда ва муҳтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

ЎЗА

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Давлат университетиде «Ўзбек халқ маънавиятининг жаҳон маданияти тараққиётида тугган ўрни ва миллий кадрлар тайёрлашдаги аҳамияти» мавзуда илмий-назарий конференция бошланди. Икки кун давом этадиган бу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти, Тошкент Давлат техника университети биргаликда ўтказмоқда.

Анжумани Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ҳуломов очди. У яқинда Хоразм вилоят халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясиде мамлакатимиз раҳбари Исло Каримов ёшлар тарбияси масаласига алоҳида тўхталиб, уларни мавжуд бой маънавий бойликларимиз билан таништириш ва жамиятда ўз ўрнини топа олишида яқиндан қўмақлашиш зарурлигига эътиборни қаратганлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, ёшлар тарбияси бугунги кунда чинакам умумхалқ ишиға айланмоқда. Бу борада ота-оналар, маҳалла кенгашлари, мактаблар билан бирга олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари

ҳам астойдил ҳаракат қилишлари лозим.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев «Ўзбек миллий маънавияти ва жаҳон тараққиёти» мавзуда маъруза қилди.

Шунингдек, анжуман катнашчилари - Баркамол авлодни тарбиялашда миллий маънавиятнинг ўрни, Маънавият - миллий мафқуранинг асоси, Ўзбек миллий фалсафий тафаккури ва унинг жаҳон маданиятида тугган ўрни, Ўзбекистон - буюк муҳаддислар ватани, Ҳадислар - умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми эканлиги тўғрисидаги маърузаларни ҳам тингладилар.

Конференция иштирокчилари шўбаларға бўлиниб, «Жаҳон маданияти ва миллий маънавият асосиде узлуқсиз таълимни тақомиллаштириш», «Маънавият ва маърифат марказлари» ишларининг таълим ва тарбияда тугган ўрни», «Дарсдан ташқари тадбирларнинг маънавий ва маърифий аҳамияти», «Педагогик таълимотлар орқали тарбия тавсифларини ўрганиш» мавзуларидеги машғулотларға киришдилар.

/ЎЗА/

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти томонидан кўрсатилаётган хайрия ёрдамидан қўлгина қишлоқ шифохоналари баҳраманд бўлишмоқда. Қўнлар туман марказий касалхонаси жамоаси ҳам бундай олий жиҳматдан мамнун. «Наврў» умумхалқ байрами арафасиде жамиятнинг илмий кенгаши вакиллари бу шифохонада бўлиб, турли хил дори-дармонларни беморларға хадя этдилар.

Жамиятнинг «Меҳр-шафқат» хизмати эса Қўнлар ту-

НОГИРОНЛАРГА СОВҒА-САЛОМЛАР

мани кўзи ожизлар жамиятини ўз оталиғиға олди. Ногиронлардан бир неча нафарига баҳор либослари тортиқ қилинди.

Тумандаги 77-махсус мактаб тарбияланувчилари ҳам эътибордан четда қолмадилар.

Мирза ХАМДАМ, Тошкент вилояти.

9 май - Хотира ва қадрлаш кунини

МАНГУЛИК

Мамлакатимиз Президентининг Фармониға биноан 9 май Хотира ва қадрлаш кунини деб эълон қилинганлиги муносабати билан барча вилоятларда бўлгани қаби Қашқадарёда ҳам катта тайёрғарлик олиб бориляпти. Воҳанин шаҳар ва туманлариде Хотира хиёбонлари барпо этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш бошлаб жүририлди. Қарши шаҳрида барпо этилаётган Хотира хиёбониде ишлар айнқиқса қизғин бормоқда.

Хиёбонда Мотамсаро она сиймоси акс эттирилади, - дейди шаҳар меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармаси лойиҳа гуруҳи раҳбари Одил Шукуров. - Ҳайкал пойида «Мангу олов» порлаб туради. Ён томонда расмлар кўргазмаси, хиёбон ўртасиде фавворалар қурилиб, атрофиде гулзорлар барпо этилади. Бир



сўз билан айтганда, Хотира хиёбонини шаҳарнинг энг кўркем ва табаррук жойларидан бириға айланади.

САДОҚАТ РАМЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг «9 майни Хотира ва қадрлаш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Навоий вилоятида ушбу тадбирни юксак маънавий-ахлоқий савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлариде иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликларни таъмирлаш, уларнинг ён-атрофларини ободонлаштириш ва Хотира боғи ташкил этишға киришилди. 5 апрелдан 5 майгача озодлик, ободонлаштириш ва кўкамзорлаштириш ойлғи ўтказилади. 17 апрелда эса умумхалқ

ҳашари бўлиб ўтади. Ундан тушган маблағ уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашға сарфланади.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Нуруний», «Маҳалла» жамғармалари вилоят бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда музейлар, кутубхоналар ва маданият саройларида Ватанимиз мустақиллиги учун курашган, унинг озодлиги учун жонини фидо қилган ота-боболаримиз ҳаётини акс эттирувчи кўргазмалар очилади, шунингдек ёшлар билан учрашувлар, маърифий-бадийи кечалар ўтказилади.

ЎЗА

Полвонлари кўндир бу юртнинг

ҒОЛИБ УЙИГА «НЕКСИЯ»ДА КЕТАДИ


Спорт халқларни бир бириға яқинлаштиради, самимий ва дўстона муносабатлар учун бамисоли кўприк вазифасини ўтайди. Спорт тинчлик элчисидир, деган ибора ҳам бежизға пайдо бўлмаган.

Бугунда спортнинг барча жабҳаларида эришайётган ютуқларимиз таҳсинға сазовордир. Бокс бўйича саккиз бор жаҳон чемпиони Артур Григорян, жаҳон чемпиони Лазизбек Зокиров, Руслан Чагаев, «чарм тўп» усталари Миржалол Қосимов, Игор Шквирин, амрестлинг бўйича ноғиронлар ўртасиде жаҳон чемпиони Умиджон Аҳмедов, чангичимиз Лина Черязева ва бошқа кўнлаб спортчиларимизни ким танимайди дейсиз. Улар Ўзбекистон байроғи ва гимнини бутун жаҳонға қайта-қайта кўз-кўз қилаётди. Ана шулар орқали ҳам бизни жаҳон яхшироқ танимоқда.

Баҳорнинг илқ тафти остида шу кунларда мамлакатимиз узра спорт мусобақалари ҳам авжига чиқиб бормоқда. Эртага

ркманистонлик Алишер Собуров, Ўзбекистондан Эрали Махмарасулов, Тоштемир Мухаммадиев, Рустам Эргашев, Махтумқули Махмудов, Баҳром Авазов, Армен Багдасаров қаби алпқомат полвонларнинг иштирок этиши турнирининг мавқеини белгилаб турирди. Ун минг томошабинга мўлжалланган «Алпомиш» ўйингоҳи меҳмонлар ва кураш мухлисларини кутиб олишға тахт қилиб қўйилган. Мусобақани юқори савияда ўтказиши учун барча шароитлар муҳайё.

Халқаро турнирнинг мутлақ чемпиони мамлакатимиз Президенти томонидан таъсис этилган «Нексия» автомашинаси билан тақдирланади. Шунингдек, 90 килограмм вазн тоифасидеги ғолибға вилоят ҳокимлиги томонидан «Дамас», 73 килограмм вазн тоифасидеги ғолибға эса вилоят «Камолот» жамғармаси томонидан «Тико» автомашиналари ва вилоят касабе уюшмалари кенгаши томонидан видеокичилик ажратилган. Бундан



А.РИСКИЕВ (ЎЗА) оingan сурат.

ташқари туман ҳокимлари, лар ҳам ўз совғаларини вилоят бошқармалари ҳозирлаб қўйишибди. Ҳамда саҳоватпеша инсон-Рустам ДАВЛАТОВ.

Бир қонун шарофати

Барча жабхаларда бўлгани каби қонунчиликда ҳам тубдан янгиланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Сессияси томонидан «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Қонуннинг кучи эса уни амалда қай даражада қўлланиши билан белгиланади.

Мухбиримиз Темура Хайдаров Охангарон туман юридик маслаҳатхонасининг адвокати Раъно Юсупова билан шу хусусда суҳбатда бўлди.

— Ушбу Қонуннинг кучга кириши биз ҳимоячиларнинг иш юритишимиз учун қатъиян таянч бўлди. Эндиликда адвокат ўз ҳимоясига олган шахс билан унга нисбатан айблов белгиланган вақтдан бошлаб Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдори ва муддати чекланмаган ҳолда, ҳоли учрашувлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди.

— Албатта, бу вазифани амалга оширишда адвокатлар ўз малакаси, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади.

— Адвокат ўз вазифасини мукамал бажариш, ўзига билдирилган ишончнинг оқшаси учун ишни юз берган воқеанинг туб сабабларини ўрганишдан

томобилни бошқариб кетаётганида олдинги чап баллонни ёриштириш оқибатида бошқарувни эппай олмади. Натижада автомобиль зарб билан тўсиққа урилади, кучли зарбдан ҳайдовчининг ёнида ўтирган киши ҳалок бўлади. Ҳаттоки, экспертиза

ҲИМОЯ ОҚЛОВЧИГА ХАТ КЕЛДИ

нинг ҳулосаси қонунга асосан далил турларидан бири ҳисобланади. Агар эксперт ўз ҳулосасини воқеа содир бўлган жойни ўрганмай, ўтирган жойида ҳужжат ва техника воситасини кўриш билан ёзиб берса, қаттиқ янглишади. Ушбу ҳолатда воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, ўрганиш зарурлигини асдан чиқарган эксперт тўлиқ

ва янги далиллар асосида воқеа тўғриси баҳоланди. Алал-оқибатда бир инсон тақдирини адолатли ҳал этилди.

— Маҳкумларнинг сизга ишонч билдириб, яна бир марта ҳимоя йўлгадан ҳоллар ҳам бўлади-ми? — Маҳбуслар ҳимоячига мактублар йўллаб, ҳуқуқий

ёрдам кераклиги, жазони ўташ жараёнида ҳалол меҳнат қилиб, яхши ҳулқ билан муддатидан илгари шартли озод қилиш масалалари бўйича ҳам мурожаат қилишади. 1999 йилнинг ўзига икки кишининг илтимосига кўра жазони ўташ жойларига бориб, уларни авф этиш масалаларида ёрдам бериш ҳамда шартли озод қилиш юзасидан судга қонуний асосда тақдирнома кириштириш учун мурожаат қилди. Буларнинг ҳаммаси ҳимоячининг фақат тергов ва суд жараёнида хизматидан фойдаланиш билан кифояланмай қолмай, унинг кейинги жазо ўтаётган вақтида ҳам ҳимоячи қарши муҳимлигини кўрсатади. Ҳимоячи айбланувчи учун чинакам Оқловчи бўлгандагина улар кейинчалик ҳам шу кишига ишонч билдиради, мадад суради.

Бир хат олдим. Унда Исомиддин Хошимов Ўзбекистон Республикаси жазони Кодексининг 167-моддасининг 4-қисми «А» банди ва 168-моддасининг 4-қисми «А» банди билан айбланиб, Охангарон шаҳар суд томонидан 9 йилга озодликдан маҳрум этилганлиги баён қилинган. Илгари 150132 сум 15 тийин

ўлаштирилган маблағ жуда катта миқдорни ташкил этган бўлса, эндиликда Ўзбекистон Республикаси жазони Кодексининг миқдорлар қисмига ўзгартиришлар киритилган бўлиб, бу масала бўйича ишни қайта малакалаш имконияти пайдо бўлди.

Адвокатлик фаолияти ҳақидаги қонуннинг 4-моддасида шундай сўзлар бор: «Адвокат тараф сифатида суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичларида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга».

Ушбу жумла биз адвокатларнинг имкониятларини мизини ошириш билан бирга зимманимизга катта масъулият ҳам юклайди. Бинобарин, ҳимоямизга олган кишилар ишларини атрофлича ўрганиб, тергов жараёнидаги айрим чалқашликлар, нотўғри қўрсатмаларга қарши одилона далиллар, терговга жалб этилмаган гувоҳлар ёрдамида ҳар бир ишнинг тўғри малакаланиши ва адолатли ҳал этилиши учун тинимсиз ҳаракатда бўлмоғимиз даркор. Бу биздан билим ва малакамизни, ҳаётий тажрибамизни тинимсиз ошириб боришимизни тақозо этади.

Биздан сўрабсиз ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи А.НЕСТЕРОВА жавоб беради.

Савол: Мен Қархоров Орзи 24 йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. Ун икки йил Пахтачи туманидаги 11-ўрта мактаб касабга уюшмасида раислик қилдим. 1998 йил 1 июлдан бошлаб оймак маошларимиз 1,5 баробар ошди. Пахтачи туман халқ таълими ҳисобчилари менга июл ва август ойлари учун бор-йўғи 1399,39 сўм қўшимча маош беришди.

- 1. Менинг қўшимча маошим тўғри ҳисобланганми?
2. Ўқитувчиларнинг меҳнат таътили ҳақи қандай белгиланади. Йил давомида қўшимча дарс ўтган бўлса меҳнат таътили ҳақига қўшимча пул қўшиладими?

Орзи ҚАҲҚОРОВ, Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани.

Жавоб: Президентимизнинг 1998 йил 9 июндаги Фармонида асосан давлат ҳисобидидаги ташкилотлар ходимларининг ойлик иш ҳақлари 1998 йил 1 июлдан 1,5 баравар, яъни 50 фоиз ошди. Шундан сўнг категорияга эга бўлмаган олий маълумотли ўқитувчиларнинг 1 ставка ойлик иш ҳақи 1998 йил 1 июлдан 2077 сўмни ташкил этган бўлса (6 тариф даражаси), 1 июл 1998 йилдан 1,5 баробар ошганини ҳисобга олганда ойлик иш ҳақи 3115 сўмни ташкил этди. 1998 йил 1 январдан эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 25 ноябрдаги Фармонида бинаоан ойлик иш ҳақининг миқдори 200 фоизга ошди. Шундай қилиб бир ойлик маош 3738 сўмни ташкил этади.

Бошқа категориядаги ўқитувчиларнинг ҳам лавозим ойликлари қўлайди. Тариф бўйича ҳамда бир ойлик иш ҳақи асосида, шунингдек ўқитувчиларнинг ҳафталик дарс соатига қараб унинг ойлик маоши белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133 рақамли (6 июль) қарорига ва Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил 13 июндаги 03-291 рақамли хатига асосан таътиллار вақтига ҳақ тўлаш, ҳисоблаб чиқариш қўйидаги тарифация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ўн иккидан бирга оширилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, муқофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий сўғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар кирди. Бунга 1 соатлик иш ҳақи, (1 соатлик) ўриндошлик учун тўланган муқофот пули, қўшимча ҳақлар, устамалар ва бошқалар кирди.

Ҳодимнинг меҳнат таътили тариф ставкалари миқдори (лавозим ойликлари) оширилса янги иш ҳақи тўлаш шартини ўтган ташкилотдаги иш қўнлари қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Сизга тўланган иш ҳақининг тўғри эканлигини аниқлаш учун олинган иш ҳақининг бошланғич ҳужжатлари керак бўлиб, бир hafta давомда неча ўқув соати, ўриндошлик соатлари учун қанча ҳақ тўланганлиги ва бошқа иш ҳақлари қўшиб ҳисобланиши шарт.

Шунинг учун ҳам Сизга туман халқ таълими бўлими, агар бу жойда ҳал бўлмаган тақдирда вилоят халқ таълими бўлимига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Ҳуқуқий билим, иқтисодий саводхонлик, маданий савия — муваффақиятлар асоси. Шу боис ҳам Тошкент шаҳар касабга уюшмалари кенгашида етук мутахассислар иштирокида тез-тез машғулотлар ўтказилмоқда.

Яқинда тармоқ касабга уюшма шаҳар қўмиталари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида «Оила муаммолари: илмий ва ижтимоий тадқиқ этиш масалалари» мавзусида мулоқот ташкил этилди. Унда иқтисод фанлари доктори, профессорлар маъруза қилилди.

Ишчанлик вазиятида ўтган мулоқот чоғида кўпчиликини қизиқтирган саволларга жавоб олинди.

У.ПҲАТОВ

Йўлнинг ўнг ёнида қад ростлаган мўъжазгина бино ичидан эшитилаётган ёқимли оҳанг оёқларимизга тушов солгандек бўлди. Қўкларимизнинг заррин нурларига мингашган кўйи «Муножот» тараларди. Беихтиёр кўй соҳирларига салламонлар айтгимиз келди. Ичкари кирдик. Орасталиқни кўриб, кўнглимиз тагин-даравшан тортиди. Шахрисабз деганда муаррихлар битиклири таъсирида осмонларда учиб юрганлигимиз боисми, ҳеч кутмаганимиз паллада қаршимизга пешвоз чиққан санъат эҳромидан хайратга тушдик, тўғриси.

ушлаб кўрмаган ёшлар бугун ашула айтганда, юлдузлар ҳам қулоқ тутади. Мўминобод кишлоғининг ҳар бир хонадонидан куй таралади...

Боя биз номларини тилга олганимиз Марям ва Насиба телетанловда «Етти қиз» кўшиғи билан томошабинлар олқишига сазовор бўлиб, нафосат кошонасининг доврўғини республика миқёсига олиб чиққандан буён ҳам ўн саккиз йил ўтди. Уша қўнлари турилган чақалоклар бугун балоғат ёшлада. Абдумаликнинг орузси бўлибгина дунёга келган мактабда ўқиш эндиликда нафақат мў-



бир оила аъзолари - Абдумалик каби Маҳмудовлар сулоласида. Кишлоқдошлари уларнинг падаври бузруғорини Маҳмуд ҳофиз дея

Рост-да, овлоқ бир жойда, туман маданият уйи қошида санъат мактаби бор, унда юз эллика яқин ўқувчи сабоқ олади, десалар дарровда ишонча қоларминдигиз? Лекин Мўминобод кишлоғида шундай! Расман у 2-кишлоқ санъат мактаби, деб аталади. Аслида эса...

Илм маскани раҳбари Абдумалик Маҳмудов бизни илиқ кутиб олди. Ва... пештоғига «Музыка саводи хонаси» деб ёзилган синфга бошлади. Ўзбек ва хорижий бастакорлар сиймоси, санъатга оид адабиётлар, ҳикматли сўзлар хонага алланечук оҳор беришлайди. Билсак, болаларга ушбу фан сирларидан сабоқ бераётган Гуллола Шокированинг ўзи ҳам илиқ таълимини шу ерда олган экан.

Шу кунби биз Раҳима Жўраева, Нафиса Хамидова, Олмасой Раҳмонова сингари тажрибали ўқитувчилар билан ҳам яқиндан танишдик. Суҳбат ораси улар «Эсдаликлар китоби»ни арақлаб кўришни маслаҳат беришди.

«Дўстим Абдумалик! Музыка мактабидидаги ишларингизда катта муваффақиятлар тилаймиз. Яна тилагим, шу музыка мактабидан келажакда машҳур, таланти ижрочилар етишиб чиқсин.

Хурмат билан, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев».

Кўпнинг дуоси кўл дейишди. Агарки ўша «кўп» деганларимизнинг ўзлари ҳам эл дуосини олишган бўлса, у ҳолда бу дуолар нега ҳам мустожа бўлмасин!

Таниқли санъаткорлар Лутфулла ва Гулчехра Саъдуллаева, Республика ёш томошабинлар театри актёри (марҳум) Обид Толипов, ҳажв устаси Эргаш Каримов, хушовоз хонанда Аҳмаджон Шукуров, халқ артистлари Хайрулла Саъдиев, Толиб Ҳожиёв қабилар томонидан айтилган дил сўзлари ҳам фақат эзгуликдан ва умид ила қадалган қаламчалар охир бир кун турфа ва анвойи гулларга айланажигидан далолат беради. Дарвоқе, бугун ўз муҳлисига эга бўлиб бораётган Марям ва Насиба Сатторовалар шу мактабнинг собиқ ўқувчилари.

Санъат эҳроми ташкил этилишининг ўзи

«Ишонч» танловига

КУЙЛАЁТГАН ҚИШЛОҚ

ни Низомий номли Тошкент педагогика олийгоҳининг музыка ва ашула куллиетига топширганмида, очиги, болалигимга бориб, ҳа энди, рубоб чалишни билсам, ашула айта олсам, нимаси қийин экан, деб ўйлагандим ҳам. Йўқ, кириш имтиҳонларини топшириш жуда осир кечди. Устига устак музыка сабоғи бўйича ҳужжатим ҳам йўқ эди. Ушанда юрагимда бир оруз тўғилди: ҳудо хоҳласа, битириб олсам, албатта кишлоғимда музыка мактаби очаман, дея аҳд қилдим.

Яхши ният - ярим бойлик, деганларни рост экан. Абдумалик кишини битириб келгач, бу бойликнинг иккинчи бўлағи ҳам тезда топила қолди. Жамоа ҳўжалиги маъмурияти янги бинаога кўчиб ўтиши муносабати билан эскиси музыка мактаби иктиёрига берилди. Бир пайтлар чолғу асобини кўлга

минободлик, балки тевақар-атроф шаҳар-кишлоқларда яшаётган болаларнинг ҳам орузсига айланди. Бу орада илм маскани имкониятлари ҳам кенгайди. Жумладан, тасвирий санъат бўлими ташкил этилиб, унга иқтидорли ёшлар жалб қилинди. Олди кишлоқ мактаби санъат мактаби мақомини олди. Эйтироф бўлса, шунчалик бўлар-да! Етти йиллик санъат масканида ҳозир 130 нафар ўқувчи ўрта мактабдан ажралмаган ҳолда сабоқ олаётган. Беш йиллик таълим бўйича ўзбек халқ чолғу асоблари, тасвирий санъат, рақс бўлими фаолият кўрсатаётган бўлса, етти йиллик таълимда талабалар фортепьяно мутахассислиги бўйича ўқитилмоқда.

Абдунаби, Абдусалом, Сумбула... Ҳа-ҳа, ушбу муаллимларнинг бари

ҳурмат бажо келтирилади. Санъатга иштиёқ ҳам отадан мерос. Абдумалик аканинг қизи Сумбула айни вақтда Тошкент санъат олийгоҳи аспиранти. Олти ёшда Интизор эса «Ўзбекистон-Ватаним меним» кўрик-танловининг ғолиби. Оила жамулжам бўлган чоғларда мусика садолари бутун кишлоқни тўтиб кетади. Энди буниси алоҳида бир мавзу...

Эзгу ишнинг кўмақчилари ҳам кўп бўлади, алдири Шухабат, Санъат мактаби жойлашган Парда Шербобоев номли жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси Ғофир Азимов, қолаверса туман маданият уйи раҳбарлари қараб туришгани йўқ. Қўлларида келган барча ёрдамни қилишаётган. Умумий майдони 40 сотихни ташкил этган санъат мактабига туташган нуронийлар чойхонаси, сартарошхона, савдо растаси, почта-алоқа бўлими, радио-телевизор тузатиш устaxonаси сингари маданий-маиший бинаолар гўё мўминободликларга ҳаёт деб аталмиш буюқ фалсафадан тушунча бераётгандек. Дарвоқе, рўзғори тўксиз элнинг томига кўш ногора ҳам ярашади!

Тан олиш керакки, Мўминобод кишлоғида яшаш учун зарур барча кулайликлар яратилган. Истиклол шарофати ила уйлар табиий газ билан иситилмоқда. Кенг ва раван йўллар, ҳар бир хонадон эшиги рўйсига бўй чўзган мизратералар бамисоли осмондаги ойни олиб бераман, дейди. Мухими, кишлоқ ёппасига ичимлик суви билан таъминланган. Ёз пайтлари кўш уфққа бош қўйиши ҳамон оқсоқоллар чойхонаси гавжум тортиб, марокли гурунлар бошланади. Ва... Бир томони Хисорак сув омборига чоғишиб кет-

Мухбир муаммо қўяди

Бир неча кундан бери борлиқини рутубатга буркаган булутлар чоқчокидан сўкилиб, жануб сари кета бошладилар. Ҳад-ҳудудсиз Арнасой кўллар тизими устида мовий осмон бағрига сингиб кетдимиз. Ё тил-тиник сокин сувларга ғарк бўлдими, еру само ёришиб, кўлда яна балиқлар ўйини бошлади.

Кўл ичкарасидаги балиқчилар бригадасидан «ҳордик кун» олиб, Наврўзга қайтган йигитни уйда раффиса хархаша билан кутиб олди. Касалмандлигидан 300-400 метр наридаги бепеён кўлдан икки челак сув келтириб, қирларни юволмаётган экан. Ичимлик сувни кир ювишга исроф қилиш эса увол.

Балиқчи иккита флага ва битта челакни ғалтакка солиб қирғоқ томон кетди.

ҚИРҒОҚДАГИ ҚУРҒОҚ, ҚҲРҒОН

Арнасой кўллар тизими балиқчиларининг Наврўз қўрғони кўл ёнидаги дўнгликда бундан йигирма беш йил бурун қурилган эди. Уша пайтда мўъжазгина шаҳарча типидидаги қўрғонда 50-60 хонадон яшар, балиқчиларнинг маъмурий идораси, ёмхона (почта), маиший хизмат уйи, дўконлар, тиббиёт бўлинимаси каби идора ва хизматхоналар мавжуд эди. Балиқчилар эса ҳар йили 3,5-4 минг тоннагача балиқ тутишарди.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида Наврўз қўрғонига етмасдан 3-4 километр наридаги тепаликда беш-олти гектар чамаси ҳудудда игнабаргли ўрмон яратиш, сўнг саксовулзор барпо этиш, игнабаргли ўрмон яқинида 50-60 гектарда боғ қилиш режалари кўтарилган, шу мақсадни қўлаб, сув келтириш чора-тадбирлари ҳам белгиланган эди.

Дарҳақиқат, кузга яқин Наврўз қўрғонига лоток ариқда сўғориш суви, темир қувурларда ичимлик суви келди. Лекин, лоток суви кўп оқмади. Пахтага етмайпти, маккажўҳори чанқаяпти, деган бахоналар билан тўхтаб қолди. Уша лотоклар ҳамон турибди.

Табиийки, оруз қилинган игнабаргли ўрмон яратилмади. Дам олиш ва даволаш масканлари ҳам барпо этилмади. Шундай бўлса-да, ханузгача ёз ойларида одамлар бу ерга келиб, бир неча гектар саксовулзорлар ичида ўзларича дам олишади, чўмилиб, балиқхўрлик қилиб қайтишади.

Кўл қирғонига Наврўз қўрғонида бугун қурғоқчилик. Сўғориш шохобчалари ишдан чиққан. Ичимлик суви эса гарчанд бир неча йил да-

вомида оқиб турган бўлса-да, вақт ўтиши билан қувурлар қирғиғач, барча хом топи. Уша пайтда умид билан қўрғон ёнида яратилган 10 гектарча боғ ҳам сувсизликдан қуриб кетди. Ҳатто, одамлар ўз ҳовлиларида ўс-тираётган дарахтлардан ҳам мон ишон қолмади.

Наврўз қўрғонига ҳозирги пайтда мавжуд 110 оилада 864 киши яшайди. Шундан 63 оила ёшлар оиласи, 47 оила тўрт ва ундан кўп азоси бўлган оилалардир. Бир амаллаб тирриқчилик ўтказиб туришибди. Қўрғон кўл қирғонига жойлашгани учун битта қармоқ ёки тўр бўлса бас, мўайгина даромад топиш мумкин. Кўлда браконьерлар кўпайиб кетганлигининг биринчи сабаби ҳам аслида шу.

Иккинчи сабабими? «Жиззахбалиқ» очик турдаги хиссадорлик жамияти маъмурий биноси Жиззах шаҳрига кўчиб ўтганлиги учун маъмурият балиқчилар ишини ҳам, браконьерларни ҳам тўлиқ назорат қилолмайди. Агар идора кўл бўйида бўлганда, ана шу «хаваскор» балиқчилар жамоа меҳнатига жалб этилган, тутилаётган балиқ миқдори ҳам бир мунча ортган бўларди. Балки шунда ишламай қўйган балиқ дудлаш қорхонасида ҳаёт қайнармиди?


Қўрғонда болалар боғчаси, маиший хизмат уйи, почта ва кутубхона ишламайди. Табиий газ оруз, холос, Чирок тез-тез ўчиб туради. Бошқа жойларга бориш учун транспорт катнови ҳам йўқ. Қўрғонга энг яқин макон «Бахтли» маҳалла кўмитаси идораси ҳам 15 километр наридаги «Қозғистон» ижара ширкатлари уюшмасида жойлашган.

Тўғри, Жиззах вилоят ҳокимлиги балиқчилар қўрғонига ижтимоий-маданий муаммоларни ҳал этиш бўйича анча-мунча ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, бултур кам таъминланган кўпгина оилалар таъминоти яшиланди, ўнга яқин ишсиз ёшлар меҳнатга жалб қилинди.

Вилоят ҳокимлиги туман аҳолиси билан очик мулоқот ўтказиб, тегишли идора ва ташкилотлар бошлиқларига қирғоқ бўйидаги ана шу қурғоқ қўрғон муаммоларини ҳам жиддий ўрганиб, ечимини ҳал этишни топширди. Қўрғон аҳолиси яхши умидлар билан яшамоқдалар.

Келдиёр ЖҲРАҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.





ДУШАНБА, 5

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома»... 8.40 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.

СЕШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот»... 8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

ЧОРШАНБА, 7

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 — 8.30 «Ахборот»... 8.30 «Умр гулшани». Т.Қосимова.

ПАЙШАНБА, 8

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 — 8.30 «Ахборот»... 8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

ЖУМА, 9

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот»... 8.30 «Диёр мадди». Концерт.

ШАНБА, 10

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 — 8.30 «Ахборот»... 8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

17.00-18.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Кичкинтойимиз — гижинтойимиз».

15.55 Кўрсатувлар тартиби. 16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Омад юлдузи». Телевизион уйини.

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.

22.05 «Ахборот». Телевизион уйини. 22.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Ерилотш». Мульттўплам.

18.00 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.

14.00-15.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. 15.10 «Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Ерилотш». Мульттўплам.

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Ерилотш». Мульттўплам.

20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телевизион уйини. 21.20 «Оламда нима гап?»

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Ерилотш». Мульттўплам.

17.55 «ДАРАКЧИ». 18.05 Кўрсатувлар дастури. 18.10 «Ерилотш». Мульттўплам.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

17.55 «Ахборот». Телевизион уйини. 18.00 «Ўшаниқ». Мусикий дастур.

20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Яшанба оқшомида». Мусикий дам олиш дастури.

21.50 «Кўзал дарваси». «Асп мўжизаси». Кинодастури.

23.25 «Кино янгиликлари». 23.40 «Жаҳон кинеси юлдузлари».

23.25 «Кино янгиликлари». 23.40 «Жаҳон кинеси юлдузлари».

23.25 «Кино янгиликлари». 23.40 «Жаҳон кинеси юлдузлари».

23.25 «Кино янгиликлари». 23.40 «Жаҳон кинеси юлдузлари».

23.25 «Кино янгиликлари». 23.40 «Жаҳон кинеси юлдузлари».

ЯКШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот»... 8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастури.

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Тенгдошлар». 18.10 «Бу ажиб дунё».

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Тенгдошлар». 18.10 «Бу ажиб дунё».

ХАЁТ ИЧКИ

Жонимга дўзах у жаннат керакмас, Махшар сўроғи-ю, миннат керакмас. Шу она тўпроққа пайваста юрсам, Бундан ўзга менга роҳат керакмас.

Хаётга ошuftа бўлавер тун-кун, Кўз нуринг, меҳрингни бағишла бутун. Сен агар севмасанг, севар бошқалар, Дунёга, қалб-ила келгани учун.

Эй, тақдир ҳукмига бош эгган инсон, Айланган фалак бу, тўтамас бир он. Гулга бок, шу дамни ганимат билиб, Кулф уриб очилмиш, чехраси хандон.

Кумуш тонг кечадан сўрайди хабар, Кимлар бахт топди-ю, кимлар бахт излар? Хушвақтлик сен-менга жуда ярашар, Созинг чал, қуйла шўх, гамзали дилбар.

Саломжон МЕНҒНОР.

Совриндорга - «Тико»

Ўтган йилги Осиё чемпионатида қорақалпоғистонлик спорт устаси Бахтиёр Нуруллаев ҳам муваффақиятли қатнашиб, қитъанинг энг кучли оғир атлетлари баҳсида бронза медалини қўлга киритган эди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Осиё қитъаси чемпионати совриндорини шарафлаш маросими бўлди. Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси раиси Т.Камолов унга «Тико» автомашинаси калитини топширди.

А.ИСКАНДАРОВА.

Ўша кун Пахтакор туманининг суд залида бўш ўрин қолмади. Бойси одамлар бунаканги жиноятчиликни тушларида ҳам кўришмаганди. Қотилликда айбланган шахс — не-не орзулар ила дунёга келтирган ўз фарзандининг умрига завол бўлган она бўлиб чиқди.

У тўнғич ўғлини ўлдириб, ёшгина келинини севишли ёридан, жажжи неварасини отасидан жудо қилди. Бундан қариндош, оғайнилар чуқур қайғуга ботдилар. Уларни таниган, билган кишилар, маҳалладошлар таажубдан ёқа ушладилар. Наҳотки волидаи мухтарамга бўлган зот бундек қотилликка қўл урган бўлса?!

Тасаввур этиш қийин. Ҳар бир диёнатли одам бунга ҳазм қилолмайди. Бироқ, шундай воқеа содир бўлди.

Хўш, Бувайша Мажидова қандай қилиб бу қўйга тушди.

Хаёт одамзотга бир марта берилади. Уни қандай ўташ ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. Турмуш чигиринларидан эса фақатгина иродали, оқил кишиларгина муваффақиятли ўта олади. Сабр - қаноат, бориға шуқур қилиш, тирикликнинг қадрига «етиш» каби хислатлар инсонни улғайтади. Акси бўлса - чи?

... 48 ёшли Бувайшанинг 4 нафар фарзанди бор. У Самарқанд вилоятининг Пойриқ туманида туғилган. Эндиликда Қозғистон фуқароси. Дастлаб турмуши яхши бўлган. Аммо нафс балоси уни тўғри йўлдан тойдирди. Хаётинда нолий бўлади. Айниқса, эри оламдан бевақт кетгач, тақдир жумбоқлари олдида гирён қолди. Меҳнатга кўнгли қўймади, бора-бора ичкиликка ружу қилди. Оқибатда йўлдан адашди. Болаларини бовиси Азия Муродовага ташлаб, ўзи кўнгли кўчасига кириб кетди.

Бувайша 1978 йилда Алмати шаҳрига кетиб қолди. У ерда нима билан банд бўлганлиги номаълум. 1984 йилдан бошлаб эса савдо ишларидаги муваффақиятларини кўриб, бу йўл билан барча қарзлардан қутилиш мумкин, деган тўхтамга келди. Шундай қилиб, улар 1998 йил 30 сентябр кунни Жиззахга йўл олишди. Йўл чарчоғини босиш ниятида арак ичишди. Сўнг... ўғлига оғир аҳволдалигини тушунтиради. Бу унга охириги чора эканлигини айтиб, раҳм-шафқатли бўлишга ундайди. Бошпанасизлик оқибатларини хаёлидан ўтказётган ўқтамжон чуқур ўлди.

Ушбу сўхбат кечаётган кечада хонадонга дўстини йўқлаб, ён қўшниса-Акмал Кубаев кириб келади. У она-бола ўртасидаги келишмовчиликни кўриб, бу масала жанжалга айланиб кетмаслиги учун уларга маслаҳат беради. Шундан кейин бурчини адо этган қўшниса ўз уйига чиқиб кетди.

Бувайша қанчалик ялиниб ёлвормасин, барбир уйни сотишга ўғли кўнмайди. Ҳатто у онасининг қарзларини узишга ҳам ёрдам беролмаслигини айтиди.

ОНА ҚОЖЕАСИ Фельетон

рига «шўнғиди». Бирок, шунда ҳам ичкиликдан қайтмади.

Фалақининг гардиши билан у пулдор аёлга айланди. Ҳар 15 - 20 кунда қардрон кишлоғига келиб - кетиб турадиган бўлди. Фурсат етиб, тўнғич ўғли ўқтамжонни уйлантириш мақсадида «Пахтакор» ширкатлар бирлашмаси худудидан Нодирабегим кўчасида жойлашган 13 - уйининг 2 - хонадонини сотиш олди.

Ўрганган кўнгли - ўртанса кўймас деганларидек, ичкиликбозлик унинг иллатига айланиб бўлган экан. Қайф-сафолар лаззати ақл кўзига парда қоплаб улгурган эди.

«Тижорат» ишлари кундан-кунга ривожланди. Бувайшани катта сармогага эга бўлиш орзуси яна беэза қила бошлади. Бунинг учун Алмати шаҳридан ёки бозорга яқинроқ жойдан уй сотиб олиш зарур, деган хулосага келди. Талгар туманига қарашли Лодушкина кўчасидаги 17 - уйни ижарага олди. Шу тариха хонадон соҳиб Александр Кочусов билан исотиқомат қила бошлади.

Бувайша уни ҳам тижорат ишларига жалб этди. Гарчи ўзидан 15 ёш кичик бўлса-да, Александр билан ноқонуний турмуш курди. Одамлар орасида гап - сўз кўпайди. Таъна - дашном ва маломатлардан қутилмоқ учун у Пахтакор туманига қайтиб, пора эвазига ФХД бўлимидан ниқоҳдан ўтганлиги тўғриси-

даги сохта гувоҳнома тўғри-лаб қўйди.

Ушватмасдан учратмас, дейдилар. Нафс балосига асир бўлган Александр

тамжоннинг уйда йўқлигидан фойдаланиб, келини Нурпашни аврашга тушади. Сўнг жаҳл билан ўдағайлади: эринги милицияга ёзиб берамиз. Мени хар кун ичиб келиб уради, дейсан, танобини бир торттиб қўйилик. Онасини ҳам хурмат қилмай қўйибди, сенинг қадригига етармиди - у оқлар?

Келини бу таклифни рад этади. Чунки, эри ҳеч қачон хотинини урмаган эди. Аламига чидай олмаган Бувайша энди машум ниятлар қила бошлади: «Ўғлимни ўлдирман, вассалом. Бошқа чора йўқ!» Уйга кириб яна арак ичиб олади. Аччиқ билан ўқтамжоннинг ётоқхонасига мўралайди. Қарасаки, ичкарида ўғли ухлаб ётибди.

Вас - вас билан жадал қадам ташлади. Темир гантелни қўлга олиб, ухлаб ётган ўқтамжон бошига кетма - кет тушира кетди...

Ўқтамжон жон талвасида кўзини очди. Аммо нима бўлаётганлигини англаб улгуролмади. Устама - уст тушган зарбадан ҳушини йўқотди. Қўли қон она ошхона томонга - Нурпашнинг олдида югуртилаб кетди. Идиш -товуқларни ювиш билан банд бўлган келин қайнонасини кўриб, ҳангу манг бўлиб қолди. Дағ-дағ титради.

Эринги ўлдирдим. Бор, милицияга айт! Мени олиб кетишинг. Ўғлимнинг олдида кирма, йўқса сени ҳам нариги дунёга жўнатаман, - дея ўшқирди Бувайша.

Яқинда Жиззах вилоят суди судьяси Неймат Боймуродов раислигида ушбу жиноят иши кўриб чиқилди. Қотил она Бувайша Мажидова ўн олти ярим йилга озодликдан маҳрум этилди. Барча ичкиликка берилиб она, аёл номига иснод келтирган бу дўзахи инсонга ланъатлар ўқиди.

Муродулла ГАФУРОВ.

Тақдирлардан сўзлар юдузлар

(5 апрелдан 11 апрелгача)

• КҮЙ — Шу кунлар атрофдагиларга гайратингиз таъсири, ўзаро ҳамкорликка интилиш ва моддий масалалардаги омад билан ҳамнафас бўлади. Бирок дунёда, чоршанба ва яшанба кунлари хатоликлар, мантқиқсиз ҳаракатлар, ишлардаги тўсиқ, оиладаги муаммолар билан кечади.

• БУЗОК — Қутилмаганда муваффақиятли равишда барча масалалар — солиқ, кредитлар ва мерос ишларини ҳал қилишингиз мумкин. Душанба ва шанба кунлари оилангиздаги нохушлик ва вафгорчилик билан боғлиқ қолади.

• ЭГІЗКАЛАР — Иш кунлари мураккаб ақлий меҳнат ва тадбиркорлик учун муваффақият олиб келади. Ўзингиз учун янги бўлган касб соҳасига ўтишингиз эҳтимолдан холи эмас.

• ҚИСҚИЧБАКА — Хизматингиздаги муносабатлар вазири фаларни қайта кўриб чиқини талаб этади. Қабул қилаётган қарорларингизда эҳтиёткор бўлиш таъсия қилинади. Яқинларингиз, дўстларингиз ва қўшнилариңгиз билан бўлган муносабатларда муаммолар юзага келишига тайёр бўлинг.

• АРСЛОН — Ҳафта касб масалалари, моддий жабуҳаларда умумий бўлиши кутилмоқда. Бирок сешанба ва чоршанба кунлари бировларнинг уйинида «пиёда» бўлиб қолишдан сақланг. Уй-рўзгор ишлари билан шуғулланишда яқши фойдали харидлар қилишингиз мумкин.

• ПАРИЗОД — Душанба, сешанба ва яшанба кунлари ўз ҳис-тўғуларингиз чигалини ечиш мураккаблашади. Ҳафтанинг бошқа кунлари яқши ишчанлик кайфияти билан келиб, кўп баҳбаларда муваффақиятга эришасиз.

• ТАРЗОУ — Сешанба, чоршанба ва шанба кунлари бир сўзлингиз ва баъзида раҳшқа берилувчанлигингиз натижасида низолар келиб чиқушидан эҳтиёт бўлинг. Жамғармаларингизни керакмас харажатлардан сақланг, ҳиссиёт, тўғуларингизни бекорга чоғланманг. Шундай бўлса ҳам ҳафта учрашувлар, ақлий меҳнат соҳасида омадли бўлади.

• ЧАЁН — Душанба ва дам олиш кунлари баҳслашиб, ўз муаммоларингизни ҳал қиламан деб, овора бўлманг. Ён-верингиздагилар билан ўчакишиб кайфиятингизни бузманг. Чоршанба ва жума кунлари иш доирасидаги масалаларни ечишда эҳтиёт бўлишингизга тўғри келади.

• ҲОТАР — Ҳужжатларни расмийлантираётгангизда диққат-этибор талаб қилинади. Моддий-молиявий масалаларда «ишингиз кўзи»ни билдириганларнинг маслаҳатларига қўлоқ солинг.

• ТОҒ ЭЧКИСИ — Кўни-қўшиллар, қариндошлар ва фарзандларингиз тинчингизни бузишлари мумкин. Иш жойингиз, хизматингиз доирасида қутилмаганда яқши ўзгаришлар рўй беради.

• ҚОВГА — Диктатингиз марказида, албатта, уй-ҳўжалик масалалари тургани яқши. Дам олиш кунлари фақат хордик чиқаринг. Ушбу ҳафта сафарлар, учрашувларга бой келади.

• БАЛИК — Режаларингизни амалга оширишингизда узокни қўзлаб иш тутинг. Аввалдан уйлаб қўйган режаларингиз нуфузли дўстларингиз қўллаб-қувватлашлари натижасида амалга ошади.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширди 22.00.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Дунёда энг дароз эркак покистонлик Муҳаммад Алан Панка (1954 йилда туғилган)дир. Унинг бўйи икки ярим метр.

Дунёда энг баланд тураржой биноси Чикаго шаҳридаги 70 қаватли бинодир. Унинг баландлиги 196,7 метр.

Дунёда энг кичкина отни Аргентинада учратиш мумкин. У товуқдан озгина баландроқ бўлиб, оғирлиги - 36 килограмм.

Энг катта бутинка «юбилей бошмоғи» деб номланган бўлиб, у 1887 йилда кўргазмага қўйилган. Унинг оғирлиги 37 килограмм, узунлиги эса 1 метр бўлиб, Лондонда тайёрланган.

Дунёда энг катта шаршара Венесуэладаги Анжел Фоллз шувасидир. У 979,6 метр баландликдан тушади.

Энг йирик кўча муз тоғи Греландияда суратта олинди. Унинг баландлиги 168 метр экан.

Ҳозирги аёллар ичида энг дароз аёл хитойлик Сан Чанг Линдир. 1980 йилда унинг бўйи 2 метру 40 сантиметрга тенг эди.

Дунёда энг кенг кўприк Австралиянинг Сидней портидадир. Эни 51,8 метр бўлган бу кўприкда иккита темир йўл изи, саккизта транспорт шоҳ йўли, шуниингдек, велосипедда юрувчилар учун ҳам йўлка бор.

Энг катта фаввора АКШнинг Аризона штатидаги Фонтанлар тепалигига ўрнатилган. Бу фаввора минутага 26460 литр сув сарфлайди. Унинг суви 170,8 метр юқорига кўтарилади.

Дунёда энг узун алфавит Камбоджа тилида бўлиб, унда 72 ҳарф бор.

Энг йирик дур улкан Филлиппин моллюскаси чиганоғидан топилди. Унинг оғирлиги 6,4 килограмм.

Дунёда энг катта пирог 1978 йилда Нью-Йорк штатидаги Гленс Фоллз шаҳридаги ресторанда тайёрланди. У домий келувчи меҳмонлар учун 60318 бўлак қилиб кесилди.

Энг улкан китоб «Супер бук»нинг ҳажми 274Х310 сантиметр, оғирлиги 138 килограмм бўлиб, 300 бетдан иборат. Бу китоб 1976 йили Колорадо штатидаги Денвер шаҳрида нашрдан чиққан.

А.АЛИЕВ тайёрлади.



Бухоро вилоятининг Вобкент туманида фаолият кўрсатаётган соғломлаштириш марказида хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлашда ибратли ишлар амалга оширилляпти. Шифо маскани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Суратда: Ички касалликлар бўлимининг ҳакими А.Худойбердиев, ҳамшира С.Яхшиева ҳамда бош ҳаким А.Икромовлар тиббий асбобдан фойдаланётган пайт.

А.ШАРИПОВ олган сурат.

Жаҳон чемпионлари


Мамажон МУҲИДДИНОВ.

ТАЛЬ

Шахмат осмонида метеорит янглиғ бирдан ярақлаб кўринган афсонавий Морфини хисобга олмаганда, бирорта шахматчи Михаил Таль сингари замондошларини ўзи ҳақида шунча гапириш, шунча бахслашишга мажбур этолмаган. Аксар шахматчилар умр бўйи ва кўпинча муваффақиятсиз интиладиган нарсаларга санокли йиллар орасидаёқ эришган бу ёш шахматчининг парвози ниҳоят даражада шиддатли бўлди...

Ҳар бир улкан шахматчини маҳорат сари элтган ўз йўли бор (1936 йилнинг 9 ноябрда Ригада туғилган). Умуман, Таль деярли ҳамма нарсаларда вақтдан ўзиб борарди. Болалик йилларидаюқ унда математика ва мусиқага бўлган ажиб қобилият ниш урди. Мактабга уни бирдангина учинчи синфга қабул қилишди 15 ёшидаёқ у Латвия университетини талабалари сафида эди. Шахмат лиллапоярларидан ундан кам тезлик билан кўтарилмади: 7 ёшга тўлмаёқ шахматни ўрганди, 11 ёшдагида шахмат тўғарагига ёзилди, 18 ёшида мастер бўлди.

Унинг жозибига тўла ўйин услуби барчани хайратга соларди. Мамлакат чемпиони бўлиши, гроссмейстерлик унвонини олиши



пионлик унвони ҳозиргача бундай юксак даражадаги мусобақаларда қатнашмаган шахматчиға тегди.

Журналистлардан бири тож талабгори турниридан ажойиб галаба билан қайтиб келган Талдан бу мусобақада омадингиз келдимиз, деб сўраганда, у оддийгина: «Ҳар бир шахматчи ўз бахтининг яратувчисидир!», деб жавоб берган экан. Бу ҳақиқат эди.


Таль эришган муваффақиятлар ҳамда унинг шахмат тожи сари шиддатли парвозининг сири ана шунда эди. Бу парвоздан олдин у Собик Иттифок чемпионлиги учун иккинчи олтин медални олган (Таль 6 марта мамлакат чемпиони бўлган). Цюрихдаги йирик халқаро турнирда фолди қиққан, зоналараро ҳамда номзодлар турнирларида биринчи ўринни эгаллаган эди.

1960 йили ригалик гроссмейстер, жаҳон биринчилиги учун бўлган матчда М.Ботвинник билан учрашди. Ҳар қандай рақибга мос йўлни топа билиши билан шуҳрат қозонган жаҳон чемпиони бу сафар ёш тож талабгори сикувига дош беролмади. Баҳс +6-2=13 ҳисобида Тальнинг фойдасига ҳал бўлди. Тўғри, бир йилдан сўнг Ботвинник ўзини ҳар қалай «Талга прогараммалаштира олди».

Унинг Реванш матчидаги галабаси шуни ишонарли тасдиқлади. Бундай кескин бурилишлар ҳар қанақа одамни ҳам эгардан қулатиши мумкин эди, бироқ Тали эмас. У кўп мусобақаларда, олимпиадаларда; Европа биринчиликларида жуда соз ўйнайди. У яна шахмат тожига талабгорлар сафида. Унинг партиялари шахмат оламини илгаригидек завқлантирмоқда.

Тали нафақат ёрқин таланти, яратган ажойиботлари учун, балки камтарлиги, хайрихоҳлиги, диққатлик хусусияти, ҳаттоки касал бўла туриб, «жанг майдонини» тарк этмай кўрсатган фидокорлиги учун севишган.

МАРОКЛИ МАШҚЛАР Иккала тэсвирда ҳам оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.



Яшариш фасли...

ТАШКИЛОТ

Қуйидаги тиббий ускуналарни ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмларни

СОТАДИ:

70x70 ҳажмли флюорография плёнкаси ва 30x40 ҳажмли рентген плёнкаси. Германия маҳсулоти.

15 литрлик фиксаж проявителлари. Россия маҳсулоти.

105x55 ҳажмли полипропилен қоплари. Туркия маҳсулоти.

Металлқуймалар, зангламайдиган тунукалар, қувурлар, озиқ-овқат учун ишлатиладиган тунукалар, (консерва банка қопқоқлари учун) «Т-170» русумли тракторлар, автогрейдерлар.

«П-702» русумли лемех. «Алоқа-500» русумли ультратовушли диагностика аппаратлари (УЗД).

СОТИБ ОЛАДИ:

«Прима» момиги (вата) ва кунжут. Ўзаро ҳамкорликка асосланган барча таклифларни кўриб чиқади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фани Мавлонов кўчаси 52/2 - уй. Тел: 342758, 344769, пейджер (067) 8184

Advertisement for 'Kasaba' (Касаба) stationery and printing services.

Advertisement for Mirziyozov newspaper, featuring a portrait of Mirziyozov and contact information.

Advertisement for 'Kasaba' stationery and printing services, listing various products and prices.

Advertisement for 'Kasaba' stationery and printing services, listing various products and prices.

Advertisement for 'Sharq' (Шарқ) newspaper, listing subscription rates and contact information.

Advertisement for 'Sharq' newspaper, listing subscription rates and contact information.